

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т 08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САРИМСАКОВ ОЛИМЖОН ШАРИПЖАНОВИЧ

**ПАХТА ХОМАШЁСИНИ УЗАТИШ ВА ҲАВО ТРАНСПОРТИДА
ТАШИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН САМАРАЛИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Саримсаков Олимжон Шарипжанович

Пахта хомашёсини узатиш ва ҳаво транспортида ташишнинг илмий асосланган самарали технологиясини яратиш3

Саримсаков Олимжон Шарипжанович

Разработка научно обоснованной эффективной технологии подачи и пневмотранспортирования хлопка-сырца.....25

Sarimsakov Olimjon

Development of scientificallly based effective technologies of supply and pneumatic transport of cotton.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т 08.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САРИМСАКОВ ОЛИМЖОН ШАРИПЖАНОВИЧ

**ПАХТА ХОМАШЁСИНИ УЗАТИШ ВА ҲАВО ТРАНСПОРТИДА
ТАШИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН САМАРАЛИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.2. DSc/176 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мурадов Рустам
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухаммадиев Давлат Мустафаевич
техника фанлари доктори

Хакимов Шеркул Шерғозиевич
техника фанлари доктори

Эргашов Мухаммадрасул
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Т.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «30» ноябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси- 5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона)

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон – 5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2017 йил «14» ноябр куни тарқатилди.

(2017 йил «14» ноябрдаги 18 рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш.Тошпўлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон бозорида табиий махсулотлар, шу жумладан пахта толасидан тайёрланган матолар ва кийим-кечакка бўлган талаб йилдан-йил ошиб бормоқда. «Пахта бўйича Халқаро консултатив қўмита (ICAC) маълумотларига қараганда 2016-2017 йил мавсумида жаҳон миқёсида 23,07 млн тонна пахта толаси ишлаб чиқарилди, унинг истеъмоли 24,55 млн, тола захиралари 18,54 млн тоннани ташкил этди. Бу йил эса тола ишлаб чиқариш 25,1 млн тоннани ташкил этиши кутилмоқда»¹. Пахта толасига талабнинг ортиши ўз навбатида унинг сифати ва уни ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб боришни талаб этади. Шунга кўра жаҳон миқёсида пахта махсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар кўлами ортиб бормоқда. Шу билан бирга пахта махсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида махсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш, уни ишлаб чиқариш харажатларини камайтирувчи ресурстежамкор технологияларни яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон тажрибасида пахтани ҳаво ёрдамида ташиш жараёни, техника ва технологиясини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, пахтани ҳаво транспортида ташиш жараёнининг самарадорлигини ошириш, пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш ва жараён энергия сарфини камайтириш, пахтани ҳаво ёрдамида ташиш ускуналарининг ихчам, содда, кам материал ва энергия сарфлайдиган конструкцияларини, замонавий, автоматлашган, махсулот сифатини бошқара оладиган технологияларини яратиш, шунингдек яратилган илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш орқали махсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш мазкур соҳани ривожлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр махсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш асосида ички ва ташқи бозорда пахта махсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада пахта тозалаш машинсозлигини қайта тиклаш, зарур техника ва технологияларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича сезиларли натижаларга эришилиб, жумладан бугунги кунда пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалаш, тола ва момиқни чигитдан ажратиш машиналари ва пахта махсулотларини қадоқлаш (пресслаш) ускуналари ҳамда улар учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи ва уларга сервис хизматини кўрсатувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилди.

¹International cotton advisory committee.Washington,From the Secretariat of the ICAC. email secretariat@icac.org. September 1, 2017

Шулар билан бир қаторда, пахтани дастлабки ишлаш жараёнининг ҳар бир босқичида, жумладан уни ишлаб чиқаришга узатиш ва ҳаво транспортида ташишда пахта маҳсулотлари табиий хусусиятларига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, сарфланаётган моддий, шунингдек энергетик харажатларни камайтиришни таъминлайдиган энергиятежамкор технологияларни яратиш ва такомиллаштириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда пахта хомашёсини ишлаб чиқаришга бир меъёрга узатиш ва ҳаво транспортида ташишнинг самарали технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Moss-Gorden Continental, «Platt Lummus», «Continental Murray», «Samuel Jackson Mfg. Corporation», «Consolidated Cotton Gin Co.», «Continental Eagle Corporation» (АҚШ), Cotton research and devolepment corporation (Австралия), National Research Center for cotton processing engeeniring and technology, China Cotton Industries Ltd, Handan Golden Lion, Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University, «Lebed» (Хитой), «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.chnnaawarpingmachine.com, www.zaurer.com; www.t-tecxjapan.co.jp; www.zzfj.com, <http://www.benningergroup.com>; www.somet.it, www/picanol.bi, <http://www/toyoda.com>, www.bstzjx.com, International journal of applied and fundamental research ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

институти (Ўзбекистон) томонидан пахта саноати учун янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Пахта хомашёсини ҳаво ёрдамида ишлаб чиқаришга узатиш техника ва технологиясига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: пахтани узатиш ва қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизими яратилган (Texas Tech University, АҚШ); вертикал шахта кўринишидаги таъминлагич, РБХ, РП маркали ғарамбузгич-таъминлагичлар, ҳаво қузури, тоштуткич, сепаратор, вентилятор ва циклондан таркиб топган ҳаво транспорти ускунаси яратилган («Пахтасаноат илмий маркази» АЖ, Ўзбекистон); пахта хомашёси ва махсулотларининг аэродинамик хусусиятлари ҳамда уларни ҳаво ёрдамида ташиш бўйича асосий боғланишлар олинган, аэродинамик ускуналарини ҳисоблаш ва лойиҳалаш услублари ишлаб чиқилган (Москва давлат дизайн ва технология университети, Иваново давлат тўқимачилик академияси, Кострома давлат технология университети, Россия; «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон).

Дунёда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кўп компонентли материал сифатида пахтани ташиш ва унга ишлов бериш жараёнлари математик моделларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш; пахта хомашёсини ишлаб чиқаришга узатиш ва қуритишнинг автоматлаштирилган самарали техника ва технологияларини яратиш ҳамда ишлов бериш ва ташиш режимларини ишлаб чиқиш; пахтани дастлабки ишлаш жараёнининг барча босқичларида махсулот сифат кўрсаткичлари ва табиий хусусиятларини сақловчи ресурстежамкор техника ва технологияларни яратиш; ишлаб чиқариш жараёнларида ажралиб чиқадиган чанг ва зарарли аралашмалардан ҳавони самарали тозаловчи ресурстежамкор технологияларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп компонентли муҳитлар, шунингдек толали материалларнинг ҳаво билан таъсирлашуви қонуниятлари, уларни ҳаво транспорти ёрдамида ташиш бўйича А.Альтшуль, Г.Черный, Г.Абрамович, Л.Лойцянский, Д.Чисхолм, Х.Рахматуллин, Е.Теверовский, К.Г.Тополиди, М.Я.Кавалерчик, А.Н.Рабкин, Б.Сажин, А.Гарбарук, А.Плеханов, Э.Новиков, А.Дягилев ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

Пахтани ҳаво транспортида ташиш бўйича Ўзбекистонда қилинган дастлабки тадқиқотлар Б.Левкович томонидан ўтказилган. Кейинчалик, П.Байдюк, Х.Зияев, С.Сайдахмедов, О.Ишмуродов, С.Қодирхўжаев, А.Суслин, Р.Бурнашев, Р.Маҳкамов, Б.Мардонов, Х.Ахмедходжаев, Р.Муродов, М.Ходжиев, Т.Махаметов, А.Исмаилов, Р.Амиров, А.Бурханов, Х.Мамарасуловлар бу соҳа илмининг ривожига муносиб хисса қўшдилар.

Лекин, ҳозиргача маълум бўлган изланишларда пахтани ҳаво транспорти ускунасига бир текисда узатиб бериш, ўтказиш қобилиятини ўрганиш

натижаларига кўра амалдагидан кичик диаметрли, конус асосли ҳаво қувурларидан фойдаланиш орқали ҳаво транспорти энергия сарфини камайтириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф4-005-“Пахтани ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма элементлари билан пахтанинг ўзаро таъсирланишини ифодаловчи қонуниятларни ўрганиш ва математик моделлаштириш” (2012-2014) ва БА-А3-010- “Пахта хомашёси пневмотранспорти самарадорлигини оширишнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш” (2016-2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта ғарамини бузиш, бир меёрда узатиш ва ташиш жараёнларини такомиллаштириш йўли билан пахтани ҳаво транспортида ташишнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахтани ҳаво транспорти ускунасига узатишнинг нотекислигини ва унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ҳамда нотекисликни камайтириш усулларини ишлаб чиқиш;

пахта ғарамини бузувчи машина ишчи органларининг пахта билан ўзаро таъсирлашуви математик моделини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш йўли билан ғарамбузгич ишчи органлари ва пневмомеханик таъминлагичнинг янги, рационал конструкцияларини яратиш;

ҳаво транспорти қувури бўйлаб пахта ва ҳавонинг ҳаракатини кўп тезликли гетероген муҳит ҳаракатига асосланган моделини яратиш ва оқим параметрларининг ўзгаришини асослаш ва қувур ички ҳамжмидан фойдаланиш даражасини аниқлаш;

ҳаво транспорти ускунаси энергия қуввати сарфи ва қувур ўтказиш қобилятининг математик моделларини яратиш ва таҳлил қилиш орқали ускуна қувват сарфини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш;

пахта пневмотранспорти учун амалдагидан кичик диаметрли ҳаво қувуридан фойдаланишни асослаш ва пневмотрассанинг мобил қисми учун ҳаво қувурининг рационал конструкциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта хомашёси, уни дастлабки ишлаш ва ҳаво транспортида ташиш жараёни ва ускуналари олинган.

Тадқиқотнинг предметини пахта хом-ашёсини ҳаво транспортида ташиш ва уни тадқиқ қилишнинг мавжуд усул ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида амалий жараёнларни статик ва динамик моделлаштириш, тўлиқ факторли экспериментлар, кузатиш, ўлчаш, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида оптималлаштириш усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

пахта ғарамини бузувчи машина чамбарагининг ғарамдаги пахта қатлами билан ўзаро таъсирлашуви математик модели асосида узатилаётган пахтани

қўшимча титиб берадиган янги ишчи органи яратилган;

пахтани ҳаво транспортига бир текисда узатиб берувчи пневмомеханик таъминлагичнинг янги конструкцияси рационал параметрлари аниқланган;

пахта ва ҳаво аралашмаси ҳаракатининг кўп тезликли гетероген муҳит ҳаракатига асосланган математик модели негизида пахтани ҳаво транспортида ташиш жараёнида оқим параметрларининг ўзгариши ва пахтанинг қувурда эгаллаган ҳажми аниқланган;

ҳаво транспорти ускунаси энергия қуввати сарфи ва қувур ўтказиш қобилиятининг оқим параметрларига боғланиш тенгламалари ишлаб чиқилган ва пахтани ташувчи ҳаво транспорти ускунаси учун амалдагидан кичик диаметрли ҳаво қувурларидан фойдаланиш асосланган;

пневмотрассанинг кўчириладиган қисми учун аэродинамик қаршилиги паст, учлари конус шаклидаги ҳаво қузури конструкцияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

пахта ғарамини бузувчи машинанинг узатилаётган пахтани титиб берадиган янги ишчи органи яратилган;

пахтани ҳаво транспортига бир текисда узатиб берувчи пневмомеханик таъминлагичнинг янги такомиллаштирилган конструкцияси яратилган;

аэродинамик қаршилиги паст бўлган учлари конус шаклидаги янги ҳаво қузури конструкцияси яратилган;

пахта пневмотранспорти учун амалдаги 400 мм диаметрли ҳаво қузури ўрнига кичик, 355 ва 315 мм диаметрли ҳаво қузуридан фойдаланиш мумкинлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисоб-китобларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта ғарамини механик бузиш жараёни математик моделининг ишлаб чиқилиши ғарамбузгич учун пахтани титиб берадиган янги ишчи орган яратилишини, пахта ва ҳаво аралашмаси ҳаракатининг кўп тезликли муҳит ҳаракатига асосланган математик модели пахтани ҳаво транспортида ташиш жараёнида оқим параметрларининг ўзгаришини назарий жиҳатдан асослаб бергани ҳамда ҳаво транспорти ускунаси энергия қуввати сарфи ва қувур ўтказиш қобилиятининг оқим параметрларига боғланиш қонуниятлари пахта учун амалдагидан кичик диаметрли қувурдан фойдаланиш мумкинлигини асослагани, шунингдек аэродинамик қаршилиги паст бўлган, учлари конус шаклидаги мобил ҳаво қузури конструкцияси яратилишини таъминлагани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти яратилган техникавий ечимларнинг ишлаб чиқариш зарурати асосида ишлаб чиқилгани ва ғарамбузгич учун пахтани титиб беришга мўлжалланган янги ишчи орган, пахтани ҳаво қузурига бир меъёрда узатиб берувчи пневмомеханик таъминлагич ҳамда 355 ва 315 мм

диаметрли, шунингдек конус учли ҳаво қувурларининг амалиётга жорий этилиши ва улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳамда жараённинг энергия тежамкорлигини таъминлагани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Пахта ғарамини бузиш, бир текисда узатиш ва ташиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳаво транспорти ускунаси учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патентлари олинган («Оғир аралашмаларни ушлаб қолгич», №IAP02604-1995й., «Сепаратор», №IAP04363-2008й.). Натижада пахтанинг оғир жисмлардан тозаланиши, ташишда аэродинамик қаршиликнинг ва чигит механик шикастланишининг камайиши пахта толаси сифатини яхшилаш ва энергия сарфини камайтириш имконини берган;

пахта ғарамини бузувчи машина учун янги ишчи орган «Наманган Пахтасаноат» ҳудудий филиали Учқўрғон пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ 2017 йил 18 сентябрдаги 02-14/2856 сон маълумотномаси). Натижада чигит механик шикастланиши 0.3% камайиши тола сифатини бир синфга ошириш имконини берган;

пахта ғарамини бузувчи машина учун янги ишчи орган ҳамда пневмомеханик таъминлагичнинг янги конструкцияси, конус учли ва 315 мм диаметрли ҳаво қувурлари «Наманган Пахтасаноат» ҳудудий филиалига қаршли Косонсой пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ 2017 йил 18 сентябрдаги 02-14/2856 сон маълумотномаси). Натижада ҳаво қувурда пахта концентрациясининг ошиши чигит механик шикастланишини ва толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини 0.4 % га камайтириш имконини берган;

пахтани ҳаво транспортига бир текисда узатиб берувчи пневмомеханик таъминлагичнинг янги такомиллаштирилган конструкцияси «Наманган Пахтасаноат» ҳудудий филиалига қаршли Учқўрғон пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ 2017 йил 18 сентябрдаги 02-14/2856 сон маълумотномаси). Натижада ҳаво қувури ва сепараторнинг пахта билан тикилиш ҳолатлари бартараф этилиб, тоштуткич ва қуритиш-тозалаш машиналари самарадорлигини ошириш ва бир йилда 48 237 минг сўм иқтисодий самара олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 33 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 13 та, шу жумладан чет элда 3 та мақола чоп этирилган ва 5 та Ўзбекистон республикаси патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бўйича хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, диссертация ишининг асосий мазмуни ва таркиби ёритилган.

Диссертациянинг **“Пахтани ишлаб чиқаришга узатиш ва ҳаво транспортда ташиш жараёнлари, техника ва технологиялари шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича мавжуд бўлган илмий матбуот материаллари, бу борада хорижий ва мамлакатимиз олим ва мутахассисларининг олган натижалари, ҳаво транспорти ва унинг таркибий элементларининг бугунги такомил даражасига баҳо берилган.


Таҳлиллар асосида, ҳозиргача олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар пахта хомашёсини ҳаво транспорти ёрдамида ташиш илми, техника ва технологиясини муайян даражада ривожлантиришга ҳисса қўшганини эътироф этган ҳолда, бу борада ташилаётган материал дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш, уни ташиш харажатлари, хусусан энергия сарфини камайтириш борасида назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш зарур эканини кўрсатилган. Тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Пахта ғарамини бузиш ва уни ҳаво транспорти ускунасига узатишнинг назарий тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобида дастлаб пахтани ҳаво транспортга узатишдаги нотекислик экспериментал йўл билан ўрганилган. Нотекислик кўрсаткичи вақт бирлигига тўғри келадиган пахта массасининг ўзгаришига қараб баҳоланган.

Натижаларга кўра, умумий ҳолатда, юқори иш унумида (11.6 кг/с) нотекислик кўрсаткичи ҳам нисбатан юқори (1.8-2.5 кг/с), пастроқ (8.4 кг/с) иш унумида паст (1-1.8 кг/с) бўлиши аниқланган. Шунингдек, пахтанинг паст зичлигида (1-серия эксперимент натижалари, ғарамнинг юқоридан 0-2,5м масофада жойлашган қатламида 1.2-1.8 кг/с) нотекислик кўрсаткичи ҳам паст, юқори зичлигида (3-серия экспериментлар, ғарамнинг ердан 2.5м баландликкача жойлашган қатламида – 2.5 кг/с гача) эса юқори бўлиши аниқланди. Ҳаво қувири ва сепараторнинг пахта билан тикилиб қолиши, тоштуткич чўнтақларининг пахта билан тўлиб қолиши айнан нотекисликнинг юқори кўрсаткичларига тўғри келади.

Тадқиқотлар пахтани бир текисда узатиб берилмаслигига ғарамбузгичнинг конструктив ва технологик параметрлари сабаб бўлаётганини ва бунда пахта чигити ҳам маълум миқдорда шикастлашини кўрсатди. Бу камчиликлар амалий жиҳатдан ғарам бузишдаги кучли зарбали таъсир ва машина ишчи органлари конструктив хусусиятлари билан изоҳлансада, жараён назарий жиҳатдан етарлича ўрганилмагани натижасида юқоридаги камчиликларнинг назарий томондан изоҳи топилган эмас. Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида ғарамни механик бузиш жараёни ва қозиклар орасида жойлашган пахта

массасининг ҳаракати ўрганиб чиқилди. Бунинг учун, чамбарак пахта ғарамига тўлиқ кириб борган вазиятни назарда тутиб, жараён стационар ҳолатда, деб қабул қилинди. Бу ҳолатда жараён маълум вақт оралиғида даврий равишда такрорланиб туради. Жараён схемаси 1- расмда келтирилган. Стационар жараён учун Эйлер тенгламаларидан фойдаланиб, пахта массаси билан тўлдирилган ёй узунлиги ABC бўйича пахта массаси зичлиги, босими ва тезликнинг ўзгаришини ўрганамиз.



1-расм. Ғарамбўзгич чамбарагининг пахта ғарамини бўзиб олиш жараёни схемаси. 1-радиал стерженлар, 2- қозиқчалар, 3- бириктирувчи стерженлар, 4- транспортер лентаси

Белгилаш киритамиз:

$$v_i (м/с), \rho_i (кг/м^3), p_i (Н/м^2) \quad \text{пахта}$$

бўлагининг мос равишда ихтиёрий кесимидаги тезлиги, зичлиги ва босими, S - ажратилган элемент кесим юзаси, β - ғарам текислигининг оғиш бурчаги, φ - OA радиусдан бошлаб ўзгарувчи бурчак, k - ён босим коэффиценти, $f = (f_p + f_c)/2$, f_p - ажратилган пахта хом-ашёси ва кўзгалмас (ғарамдаги) пахта орасидаги, f_c эса қозиқларни бирлаштирувчи стержень ва пахта

орасидаги ишқаланиш коэффицентлари, L - ажратилаётган бўлак кесим юзаси контури узунлиги, $ds = R d\varphi ds$ ҳаракат ёйи, R - қозиқ узунлиги, м.

Қозиқлар орасидаги пахта бўлаклари ҳаракат тенгласига кўра:

$$\rho_i v_i \frac{dv_i}{d\varphi} = -\frac{dp_i}{d\varphi} + \rho_i g R [\sin(\beta - \varphi) - f \cos(\beta - \varphi)] - k f L R p_i / S - f_p \rho_i v_i^2$$

$$(i-1)\varphi_0 < \varphi < i\varphi_0 \quad i = 1, 2, 3, 4 \quad (1)$$

Ҳар бир бўлакда босим билан зичлик орасида чизиқли боғланиш:

$$\rho_i = \rho_k [1 + B \cdot (p_i - p_k)], \quad (i = 1, 2, 3, 4) \quad (2)$$

Массанинг сақланиши қонунига кўра:

$$\rho_i v_i S = \rho_k v_k S = Q_0, \quad (i = 1, 2, 3, 4) \quad (3)$$

Бу ерда ρ_k , v_k ва p_k лар қозиқларнинг пастки сиртида ҳаракатланаётган пахта массасининг мос равишда зичлиги, тезлиги ва босими;

Бунда (2) - муҳит ҳолати тенгласи - босим ва зичликнинг боғланишини, ($B (м^2/Н)$ - тажрибавий катталиқ), (3) - массанинг бирлик вақтда сақланиш қонуни; Q_0 - иш унумдорлиги. $B \ll 1$ бўлганда:

$$v_i = \frac{v_k}{1 + B(p_i - p_k)} \approx v_k [1 - B(p_i - p_k)], \quad (i = 1, 2, 3, 4) \quad (4)$$

$$\frac{dp_i}{d\varphi} = p_i F_1(\varphi) + F_2(\varphi), \quad (i = 1, 2, 3, 4) \quad (5)$$

Бу ерда, $a = 1 - \rho_k v_k^2 B$, $F_0 = \cos(\beta - \varphi) - f \sin(\beta - \varphi)$.


$$F_1 = [\rho_k g R B F_0(\varphi) - k f L R / S + f_c \rho_k v_k^2] B, \quad F_2 = \rho_k g R F_0(\varphi) (1 - B p_k) - f_c \rho_k v_k^2 (1 + B p_k).$$

(5) тенгламалар қуйидаги шартларда интегралланади:


$$p_i = p_k \Rightarrow \varphi = \varphi_i = (i-1)\varphi_0, (i = 1, 2, 3, 4); \quad p_k = p_1 - \frac{1}{B} \left(\frac{v_k}{v_1} - 1 \right), \quad (6)$$

$$\text{Лентадаги пахта зичлиги: } \rho_l = \frac{Q_0}{v_l S_l} \quad (7)$$


Бу ерда S_l - лентадаги хомашё қатлами қалинлигининг кесим юзаси.



2- расм. Қозиклар билан ўзаро таъсир зонаси ва лента сирти (АВ) бўйлаб пахта массаси босимининг тақсимланиши



4- расм. Қозиклар билан ўзаро таъсир зонаси ва лента сирти (АВ) бўйлаб пахта зичлиги ўзгариши



3- расм. Қозиклар билан ўзаро таъсир зонаси ва лента сирти (АВ) бўйлаб пахта массаси тезлигининг ўзгариши

2-3-расмларда пахта хомашёсининг қозиклар билан ўзаро таъсирланишув зонаси ва лента сирти бўйлаб босими, тезлиги ва зичлигининг ўзгариши келтирилган. Ҳисоблар қуйидаги қийматларда Maple 2015 дастурида бажарилган: $f_p = f_c = 0.3$, $\varphi_0 = 45^\circ$, $B = 0.00005 \text{ Па}^{-1}$, $Q_0 = 12000$ кг/соат; $L = 0.3 \text{ м}$, $h = 0.04 \text{ м}$, $R = 0.55 \text{ м}$, $v_0 = 7.2 \text{ м/с}$, $v_1 = 5 \text{ м/с}$, $k = 0.6$.

Худди шу каби 3- расмда қозиклар билан ўзаро таъсирланишув зонаси ва лента сирти (АВ) бўйлаб пахта массаси тезлигининг ўзгаришини кузатсак, бу ерда ҳам тезлик параметрининг сакрашсимон ўзгаришини кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир қозикча ғарамга урилганда, улар ягона асосга (яъни, чамбаракка) маҳкамлангани учун, пахта массасининг тезлиги кескин ўзгаришга дучор бўлади. 4- қозикчадан кейин пахтанинг тезлиги кескин пасаяди ва у транспортёр лентаси тезлигини

эгаллайди. 4- расмда қозиклар билан ўзаро таъсирланишув зонаси ва лента сирти (AB) бўйлаб пахта массаси зичлигининг ўзгариши келтирилган. Бу графикларга эътибор берилса 4-расмдаги ҳолат қайтарилаётгани кўринади.

Ҳақиқатан ҳам, биринчи қозикча пахта ғарамига урилган вақтда қозикча кўрсатган босим натижасида пахта бўлакчаси сиқилади ва зичлик кескин ошади. Ҳисоб-китоблар пахта зичлигининг энг юқори катталиги амалдаги параметрларда 48.6 кг/м^3 ни ташкил этишини кўрсатмоқда. Қозикчалар оралиғида зичлик 48.2 кг/м^3 гача пасаяди. 2- қозикча урилганда зичлик яна максимал қийматга кўтарилиб, яна кескин пасаяди

Маълумки, ғарамланган пахта қатлампидан пахтани ажратиб олишда ғарам қатлами билан ажратиб олинаётган чамбарак қозикчасига таъсир этувчи реакция кучини юзага келтиради. Ўзаро акс таъсир қонунига мувофиқ чигитнинг механик шикастланишига сабаб бўлувчи бу куч катталиги пахта бўлаги билан қозикча орасида ҳосил бўлувчи зарба кучига тенг бўлади. Ушбу кучнинг қийматини камайтириш мақсадида чамбарак қозикчаларини айланиш йўналиши бўйича муайян бурчакка оғдириш таклифини ишлаб чиқдик. Бу ўз навбатида пахтани ғарамдан ажратиб олиш жараёнида қозикчаларнинг ғарамдаги пахта қатлами билан муайян бурчак остида аъсирлашишини ва бунда юзага келадиган зарба ва илашиш кучларини камайтиришни таъминлайди. Қозикча билан пахтанинг ўзаро зарбали таъсирлашуви ҳолати схемасига асосан ёзамиз:

$$P_k = \frac{1}{B} \left[\frac{\vartheta_k \cdot S \cdot k \cdot \rho_0 \cdot \cos \gamma}{Q_u} - 1 \right] < P_{chk} , \quad (8)$$

Буерда P_k - зарба кучи, P_{chk} – пахта чигитини синдирувчи критик куч, Г.Мирошниченко[80]га кўра $P_{chk}=4-4.5\text{Н}$. 25% заҳира билан $P_{chk}=3 \text{ Н}$ қабул қиламиз. k – чамбаракнинг пахта билан тўлиш коэффициенти; Q_u - иш унумдорлиги, $S=L \cdot h$ – қатламнинг кесим юзаси, L -кенглиги, h -баладлиги; ρ_0 - бошланғич зичлик, B – экспериментал коэффициент.

Maple 2015 дастурида компьютерда параметрларнинг қуйидаги: $\vartheta_k=7.2 \text{ м/с}$; $S=0.45 \times 0.06 \text{ м}$; $\rho_0=80-100 \text{ кг/м}^3$; $k=0.1-0.2$; $Q_u=2.78 \text{ кг/с}$; $B=0.003 \text{ Па}^{-1}$ қийматларида амалга оширилган таҳлиллар қозикчаларнинг оғиш бурчаги $9.5^\circ < \gamma < 12.2^\circ$ оралиқда бўлиши кераклигини кўрсатди. Амалий нуқтаи-назардан қозикчалар оғиш бурчаги 10 – 12 град бўлиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Чамбарак қозикчаларининг пахтага берадиган босими (2.14) бўйича ҳисоблаганда 10 град оғиш бурчагида 1550 Па ни, 12 градусда эса 1500 Па ни ташкил этди.

Ғарам бузиш жараёни таҳлил этилганда зичлиги юқори бўлган қатлам билан ғарамбузгич параллель қозикчалари бир вақтда тишлашиши натижасида пахта йирик бўлакча тарзида кўчиши аниқланди ва уни титиб узатиш учун ғарамбузгич каллагининг остки қисмига, чамбаракка қаратиб, қўзғалмас қозиклар (бўлгичлар) ўрнатиш тавсия этилди. Назарий тадқиқотлар натижаларига кўра ғарамбузгичнинг қозикчаларини чамбаракнинг айланиш

йўналишига қараб $\alpha = (10 - 12)^0$ қиялатиш ва ғарамбузгич каллагининг остки қисмига, чамбаракка қаратиб, кўзгалмас қозиқлар (бўлгичлар) ўрнатиш пахтани қўшимча титиш ва узатишдаги нотекисликни камайтириш имконини яратди.

Диссертациянинг “Пахта ва ҳаво аралашмасининг ҳаво транспортида ҳаракати назарий таҳлили асосида ҳаво қувурининг рационал параметрларини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида пахта ва ҳаво аралашмасининг ҳаво транспорти элементлари ичидаги ҳаракати тадқиқ қилинган. Мавжуд газ динамикаси қонунлари асосида динамик, статик ва тўлиқ босимнинг қувур узунлиги бўйича ўзгариши ва уларнинг оқимнинг турли параметрларига боғланиши қонуниятлари аниқланди:

$$P_{cm} = P_n - 0.5 \rho v^2 \lambda L/d, \quad (9)$$

$$P_m = P_n - 0.5 \rho v^2 (\lambda L/d - 1), \quad (10)$$

Бунда: $P_{дн} = 0.5 \rho v^2$ динамик, P_{cm} статик, P_m – тўлиқ босим, Па; λ -ҳаво ва қувур деворининг ишқаланиш коэффициентини; L -қувур узунлиги, м.

Натижаларга кўра статик ва тўлиқ босим қувур узунлиги бўйлаб пасайиб бориш хусусиятига эга. Шунингдек, кичик диаметрли қувурларда босим камайиши нисбатан кескинроқ. Бу ҳолат кичик диаметрли қувурларда аэродинамик қаршиликнинг юқори эканини кўрсатади. Шу каби, ҳаво зичлигининг қувур оғзидан вентиляторга томон чизикли қонуният асосида камайиб бориши асослаб берилган.

Пахтанинг ҳаво қувури ичидаги ҳаракатини икки компонентли муҳит сифатида ўрганилганда 10 тонна/соат (ёки 2.78 кг/с) меҳнат унумдорлиги, 6.0 м³/с (ёки 7.2 кг/с) ҳаво сарфи, пахтанинг ғарамбузгичдан кейиги зичлиги $\rho_{п} = 47.8$ кг/м³, ҳаво зичлиги $\rho_x = 1.2$ кг/м³ бўлганда икки компонентли муҳитнинг ҳажмий концентрацияси $w = 0.012$ м³/м³, массавий концентрацияси $\mu = 0.28$ кг/кг ҳамда унинг ўртача зичлиги $\rho_a = 1.65$ кг/м³ бўлиши аниқланди.

Бу кўрсаткичларга эътибор берилса, улар бошқа саноат соҳалари, масалан донни қайта ишлаш, қурилиш, ёғочни қайта ишлаш, тоғ-кон саноати соҳаларида қўлланадиган ҳаво траспорти ускуналари кўрсаткичларига қараганда анчагина паст эканини кўриш мумкин.


Пахтанинг қувур бошидаги ҳаракати ўрганилганда қувур оғзининг қаршилиги, қувурнинг материал ўтказиш қобилияти, қувурда аэроаралашмани ҳосил қилишга сарфланадиган босим йўқолиши таҳлил қилинди. Уларга кўра пневмотранспорт қувурининг бошланғич қисмида пахта ва ҳаводан иборат бўлган аэроаралашмани ҳосил қилиш учун аралашма кинетик энергиясидан 3 баробар кўп энергия сарфланар экан.

Е.Теверовский тавсия қилган қонуният асосида массавий концентрация μ_{max} нинг анъанавий тенгламасидан фойдаланиб, қувурлар ўтказиш қобилиятининг иш унуми бирлигидаги тенгламаси келтириб чиқарилди:

$$G_p = 75.93 \cdot Q_x \cdot \rho_p \cdot v_c \cdot d / (\lambda^{1.5} \cdot v_x^3 - 21.092 \cdot v_c \cdot d), \text{ тонна/соат, } (11).$$

Бунда: v_c - пахтанинг чўкиш тезлиги (бу тезликда пахта муаллақ ҳаракатдан қувур тубига чўкади, бунда кўрсаткичнинг катта қийматлари юқори намликдаги пахтага мос келади), м/с; v_x ва Q_x - ҳавонинг ўртача тезлиги, м/с ва сарфи, м³/с; ρ_p - оқимдаги пахта зичлиги, кг/м³.

Натижалар (5-расм) га кўра (ушбу ҳисобларда пахтанинг қувур бўйлаб ҳаракатланаётгандаги зичлиги $\rho_p = 25$ кг/м³ деб, қабул қилинди) 400 мм ли ҳаво



5-расм. Ҳаво қувури ўтказиш қобилияти ва оқим тезлигининг боғланиши. 1,4 – 400 мм, 2,5 -355 мм, 3,6 – 315 мм ли ҳаво қувури; 1,2,3 – чўкиш тезлиги 12 м/с;4,5,6-чўкиш тезлиги 20 м/с.

қувури пахтанинг чўкиш тезлиги 12 м/с, ҳавонинг амалдаги тезлиги 25-30 м/с бўлганда соатига 30-62 тонна, чўкиш тезлиги 20 м/с бўлганда эса соатига 25-42 тонна пахта ўтказа олишини кўраимиз. “Пахтасаноат” илмий маркази ҳаво тезлигини ҳисобий қийматларга нисбатан 70% захира билан танлашни тавсия қилади. Ушбуни ҳаво қувурининг ўтказиш қобилиятига исбатан қўлласак, 400 мм ли ҳаво қувурининг реал ўтказиш қобилияти 25-36 т/соат, 355 мм ли ҳаво қувуриники 12-29 т/соат, 315 мм ли ҳаво қувуриники эса 8-25 т/соат

экани кўринади (бунда кичик рақам паст нав, юқори намликдаги, катта рақам эса юқори нав, паст намликдаги пахтага тўғри келади).

Пахтани пневмотранспортда ташишда энергия сарфи масаласи кўрилганда аэродинамик кучнинг динамик ва статик босимга боғланиши қонунияти, ундан эса ҳаво транспорти қувват сарфининг қувур узунлиги бўйича ўзгаришининг математик ифодаси ишлаб чиқилди:

$$N = 0.125 \pi d^2 \cdot (P_{nm} + 0.5 \rho v^2 \lambda L/d) \cdot v_{\text{ўр}}, \quad (12)$$

Бу ерда $v_{\text{ўр}}$ - оқимнинг ўртача тезлиги, м/с, P_{nm} - вентилятордаги номинал тўлиқ босим, Па.. Таҳлилларнинг кўрсатишича аэродинамик куч қувур узунлиги вентилятор олдида (0 дан) бошлаб ошиб борган сари камайиб боради.Бунда, оқимнинг бир хил тезликларида кичик диаметрли қувурларда аэродинамик куч қувур узунлиги бўйича нисбатан интенсив пасаяди.



6-расм. Аэроаралашма компонентларини ташиш учун қувват сарфи нисбати диаграммаси

Системада фақат ҳаво ҳаракатланганда аэродинамик куч узокроқ масофагача, аэроаралашма билан эса камроқ масофагача сақланади. Тезликнинг ошиши қувват сарфининг ошишига олиб келади.

Натижалар (6-расм) ҳаво транспортида қувватнинг асосий қисми ҳавони ҳаракатлантириш учун сарф бўлишини кўрсатмоқда. Масалан, қувур диаметри

0.315 м, оқим тезлиги 20 м/с бўлганда фақат ҳавони ташиш учун 7.9 кВт, оқимга пахта қўшилса 19.4 кВт (68.7 % ҳавога, 31.3% пахтага) қувват сарфланади. 0.4 м диаметрли қувурда эса оқим тезлиги 20 м/с бўлганда ҳавонинг ўзи учун 13 кВт, пахта қўшилса 19 кВт, тезлик 35 м/с бўлганда ҳавонинг ўзи учун 25 кВт, пахта қўшилганда эса 43 кВт энергия сарф бўлади.

Ҳаво ва толали материал аралашмасини кўп тезликка эга бўлган гетероген аралашма сифатида қабул қилиб, унинг ҳаракатини Х.Рахматуллин тавсия қилган кўп тезликли система назариясидан фойдаланиб таҳлил қилинган. Бу назарияга кўра компонентларнинг бир ўлчамли ҳаракати қонуни куйидаги кўринишга эга:

$$\left. \begin{aligned} \rho_0 u_0 \frac{du_0}{dx} &= -\frac{\rho_0}{\rho_0^{(0)}} \frac{dp}{dx} + k(u_1 - u_0) \\ \rho_1 u_1 \frac{du_1}{dx} &= -\frac{\rho_1}{\rho_1^{(0)}} \frac{dp}{dx} - k(u_1 - u_0) - k_0 l f p (1-m) / s \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

Массанинг сақланиш қонунига кўра куйидагиларни оламиз:

$$\left. \begin{aligned} \rho_0 u_0 s = u_{00} \rho_{00} s_0 = const, \quad \rho_1 u_1 s = u_{10} \rho_{10} s_0 = const, \quad \rho_0 = m \rho_0^{(0)}, \\ \rho_0 = \frac{m}{m_0} \rho_{00}, \quad \rho_1 = (1-m) \rho_1^{(0)}, \quad \rho_1 = \frac{1-m}{1-m_0} \rho_{10} \end{aligned} \right\} \quad (14)$$

Бу ерда ρ_0 , ρ_1 , m - мос равишда ҳаво қувури исталган кесимидаги ҳаво ва толали материалнинг келтирилган зичлиги ҳамда материалнинг ғоваклиги, $\rho_0^{(0)}$ ва $\rho_1^{(0)}$ - уларнинг ҳақиқий зичликлари, k - аэродинамик қаршилик коэффиценти, ρ_{00} , ρ_{10} , u_{00} , u_{10} ва m_0 - ҳаво қувурининг $x=0$ кесимидаги ҳаво ва толали материалнинг амалдаги зичлиги ҳамда материалнинг ғоваклиги. Пахта ғоваклигининг ўзгаришини куйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{dm}{dx} = Z(x, m, p) \quad 0 < x < L \quad (15)$$

Ҳаво босимининг ўзгаришини эса:

$$\frac{dp}{dx} + Z_0(m, x, p) = Z_1(x, m, p) \quad (16)$$

Бу ерда: $Z_0 = \frac{l(x)k_0 f(1-m)}{s(x)}$, $Z_1(x, m, p) = F_3(x, m, p) + F_4(x, m, p)$,


$$Z(x, m, p) = \frac{F_1(m) s'(x)}{F_0(m) s(x)} + \frac{F_2(m) s_0}{F_0(m) s(x)} - \frac{k_0 f l(x) s(x) m^3 (1-m)^3}{s_0^2} p,$$

$$F_3 = \frac{s_0^2}{s^2(x)} \frac{Z(x, m, p)}{m^2 (1-m)^2} [\rho_{00} u_{00}^2 m_0^2 (1-m) - \rho_{10} u_{10}^2 (1-m_0)^2 m],$$


$$F_4 = \frac{s_0^2}{s^2(x)} \frac{s'(x)}{s(x)} \frac{1}{m(1-m)} [\rho_{00} u_0^2 m_0 (1-m) + \rho_{10} u_{10}^2 m (1-m_0)].$$

Бошланғич шартлар: $x=0$ бўлганда $m = m_0$, $p = p_0 = \rho_{00} u_{00}^2 / 2$.


Тенгламалар Maple 2015 дастурида $m_0 = 0.4$, $u_{00} = 20 \text{ м/с}$, $\rho_{00} = 1.2 \text{ кг/м}^3$, $Q_0 = 10000 \dots \text{кг/час}$, $\rho_{10} = 38 \text{ кг/м}^3$, $s = s_0 = \pi D^2 / 4$, $l = \pi D$, $k_0 = 0.6$ қийматларда, кўндаланг кесими ўзгармас бўлган ҳаво қувири мисолида қайта ишланди ва график шаклидаги натижалар олинди (7-10-расмлар):




7-расм. Пахта ғоваклигини қувур узунлиги бўйича ўзгариши



8-расм. Ҳаво босимининг қувур узунлиги бўйича ўзгариши



9-расм. Ҳаво тезлигининг қувур узунлиги бўйича ўзгариши



10-расм. Пахта тезлигининг қувур узунлиги бўйича ўзгариши

Ғоваклик $m = 0.6$ ўзаро таъсир коэффициентининг чегаравий қийматлари мос равишда $k_n = 50 \text{ Нс/м}^4$, $k_n = 100 \text{ Нс/м}^4$, $k_n = 200 \text{ Нс/м}^4$, $k_n = 300 \text{ Нс/м}^4$ га тенг.

Натижаларга эътибор қаратсак, ғоваклик кўрсаткичида (7-расм), k_n нинг катта қийматларида умумий ўсиб бориш қонунияти сақланади ва унинг кичик қийматларидагига қараганда ошади ва 0.85 атрофида бўлади. $k = 400 \text{ Нс/м}^4$ бўлганда ўсиш даражаси анчагина интенсив бўлиб, 24-25 метр масофадан кейин, деярли ўзгаришдан тўхтайд. Босим графигида (8-расм) бошланғич параметрларда ўзгариш бор – ҳаво қувири бошидаги босим 240 Па атрофида бўлади. Аммо, босимнинг қиймати k_n нинг кичик қийматида ҳаво қувирунинг дастлабки 1-2 метрида жуда кескин пасаяди. 20 метр масофагача интенсивлик

камаяди, сўнг босим стабиллашади. k_n нинг юқори қийматида эса босим деярли бир хил интенсивликда камаяди.


Ҳаво тезлигининг графиги (8-расм) k_n нинг ҳар икки қийматида бир хил интенсивликда камайиш хусусиятини намоён қилмоқда. 50 м масофада тезлик 14-12 м/с гача камаяди ва кейин деярли ўзгармайди. Пахтанинг тезлиги (9-расм) эса 0 дан бошлаб ошиб боради ва 50 м масофада нисбатан стабиллашади ва 7-8 м/с қийматга эришади. Натижаларга эътибор қаратсак, пахта билан ҳаво тезлигининг нисбати 0.57-0.58 ни ташкил қилмоқда. Бу пахтани дастлабки ишлаш маълумотномаларида берилган кечикиш коэффиценти қиймати (0.5-0.7) га муносиб келади. Бу ҳолат аниқланган боғланишларнинг амалиётга тўғри келиши ва уларни пахта пневмотранспорти ускуналарини лойиҳалашда фойдаланиш учун тавсия этиш мумкинлигини кўрсатади.

Пахта массасининг пневмотранспорт қувури узунлиги ва кўндаланг кесими бўйича тақсимланиши назарий таҳлил қилинганда пахтанинг 400 мм диаметрли қувур ички хажмининг 18-23 % инигина банд қилиши, қувурнинг қолган қисми пахтани ташиш жараёнида бўш қолиши аниқланди. Амалга оширилган назарий таҳлилларга асосланиб, пахтани ташувчи қувур фойдали хажмидан самарали фойдаланишнинг бир варианты сифатида қувур диаметрини кичрайтириш тавсия этилди. Масалан, қувур диаметри 400 мм дан стандарт 315 мм га келтириш амалдаги транспорт тезликлари (20 – 30м/с) да ускуна ҳаво сарфини 1.9 – 2.4 м³/с га камайтириш имконини беради.

Кейинги бўлимда қувур оғзи қаршилигини камайтириш бўйича мавжуд назарий тадқиқотлар таҳлил қилинган ва унинг геометрик параметрларини ҳисоблаш алгоритми келтирилган. Назарий тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, пневмотрассанинг кўчириладиган қисми учун учлари конус шаклида бўлган қувур конструкцияси ишлаб чиқилган, шунингдек, ўртача 8-25 т/соат меҳнат унумдорлиги талаб қилинадиган корхоналар учун 315 мм диаметрли, 12-29 т/с меҳнат унумдорлиги талаб қилинадиган корхоналар учун 355 мм диаметрли ҳаво қувурлари тавсия қилинган (иш унумининг кичик қийматлари паст навдаги, намлиги юқори бўлган пахтага мос келади).

Диссертациянинг **“Ҳаво транспорти ускунаси янги элементлари параметрларини тажрибалар йўли билан асослаш”** деб номланган тўртинчи боби янги техникавий ечимларга асосланган ҳаво транспорти ускунасини амалий ўрганишга қаратилган. Назарий тадқиқотлар натижасида яратилган пахта ғарамини бузувчи машинанинг йирик пахта бўлакларини титиб беришга мўлжалланган ишчи орган, пневмотранспорт ускунасини пахта билан бир текис таъминлаш учун пневмомеханик таъминлагичнинг янги конструкцияси, ички диаметри 355 ва 315 мм бўлган металл қувурлар ва пневмотрассанинг кўзгалувчан қисми учун тез алмаштириладиган, конус учли қувурларни амалда синаб кўриш ҳамда уларнинг рационал параметрларини аниқлаш учун стандарт элементлардан таркиб топган экспериментал қурилма йиғилди ва реал ишлаб чиқариш шароитларида амалий тадқиқотлар ўтказилди.


Ғарамбузгич ишчи органларини такомиллаштириш мақсадида ишчи схема ишлаб чиқилди (10-расм). Унга кўра янги ишчи орган чамбарак 1, лентали транспортёр 2, таянч 3, кўзғалмас қозиклар 4 дан иборат бўлади. Бунда



10-расм. Ғарамбузгич каллаги ишчи схемаси

радиал стерженлар вал атрофида 140 – 160 мм диаметрга эга бўлган гардиш (втулка) ларга уринма тарзда маҳкамланади. Бу ҳолат радиал стерженларучининг радиусга нисбатан 10 – 12 град га оғишини таъминлайди. Бу стерженлар учига амалдаги бронза қозикчалар маҳкамланади. Кўзғалмас қозиклар алоҳида планкага ўрнатилади. У ўз навбатида таянчга керткли (резбали) улаш ёки пайванд йўли билан маҳкамланади.

Ғарамбузгичнинг янги ишчи органлари Наманган вилояти Пахтасаноат МЧЖ га қарашли Чортоқ механик устахонасида тайёрланди ва Учкўрғон пахта тозалаш АЖ да ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилди. Синов натижаларига кўра пахта хажмий массаси мавжуд ғарамбузгичда абсолют 5.0 кг/м^3 га, нисбий 8 % га, янги элементлар қўйилгач эса абсолют қийматда 12.3 кг/м^3 га, нисбий 19.5 % га камаймоқда, пахта чигитининг механик шикастланиш даражаси мавжуд ғарамбузгичда абсолют қийматда 0.05 % га, нисбий 12.8 % га янги элементлар қўйилган ғарамбузгичда эса абсолют қийматда 0.01% га, нисбий 2.4 % га ортапти. Ишлаб



11-расм. Пневмомеханик таъминлагич схемаси

